



Fundamentals and prospective directions of modern preventive medicine

Nematjon MAMASOLIEV¹

Andijan State Medical Institute

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2025

Received in revised form

15 August 2025

Accepted 15 September 2025

Available online

05 October 2025

Keywords:

Preventive medicine,
preventive measures,
chronic non-communicable
diseases,
cardiovascular diseases,
telemedicine and digital
technologies,
health economics.

ABSTRACT

The article outlines the modern essence, principles, and directions of the new discipline "Preventive Medicine". It provides an overview of the main levels of preventive measures, key areas of preventive activities, and characteristics of 21st-century preventive medicine. Using cardiovascular diseases as an example, the article demonstrates the composition of overall and general economic damage associated with chronic somatic diseases and their risk factors.

2181-3663/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3663-vol4-iss3-pp82-94>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Замонавий профилактик тиббиёт асослари ва истиқболи йўналишлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Профилактик тиббиёт,
профилактика
тадбирлари,
сурункали ноюқумли
касалликлар,
юррак-қон томир
касалликлари,
телетиббиёт ва рақамли
технологиялар,
соғлиқни сақлаш
иқтисодиёти.

Мақолада янги фан "Профилактик тиббиёт"нинг замонавий моҳияти, қоидалари ва йўналишлари баён қилинган. Профилактика тадбирларининг асосий даражалари, превентив фаолиятнинг асосий йўналишлари ва XXI аср профилактик тиббиётининг тавсифлари шарҳи келтирилган. Юрак-қон томир касалликлари мисолида сурункали соматик касалликлар ва уларнинг хавф омиллари билан алоқадар ялпи ҳамда умумий иқтисодий зиён таркиби кўрсатилган.

¹ Doctor of Medical Sciences, Professor, Andijan State Medical Institute.

Основы современной профилактической медицины и перспективные направления

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Профилактическая медицина, профилактические мероприятия, хронические неинфекционные заболевания, сердечно-сосудистые заболевания, телемедицина и цифровые технологии, экономика здравоохранения.

В статье изложены современная сущность, принципы и направления новой науки "Профилактическая медицина". Представлен обзор основных уровней профилактических мероприятий, ключевых направлений превентивной деятельности и характеристик профилактической медицины XXI века. На примере сердечно-сосудистых заболеваний показана структура совокупного и общего экономического ущерба, связанного с хроническими соматическими заболеваниями и факторами риска их возникновения.

Тиббиёт фанлари тизимида янги фан – 14.00.43 “Профилактик тиббиёт” яратилди. Унинг паспорти Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан тасдиқланди, ихтисослик бўйича фалсафа доктори ва фан доктори унвонлари берилиши белгилаб қўйилди. Илмий тадқиқотлар ишларини, ушбу ихтисослик бўйича, самарадорлигини ошириш ҳамда илмий, амалий ва фундаментал ишланмалар ва уларнинг натижасини амалиётга кенг жорий қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва ЎЗР Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг буйруқлари чиқарилди[29] [30] [31].

Ўшбу мақолага сўзбоши сифатида мен таниқли жаррох – врач Николай Иванович Пироговнинг “Келажак профилактик тиббиёт томонида” деб айтилган мутлақо адолатли сўзларини келтириб ўтиш лозим деб ҳисоблайман.

Замонавий профилактик тиббиёт – бу касалликлар ва жароҳатлар пайдо бўлишини оғохлантириш, уларнинг ривожланиши учун хавф омилларини олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган чора тадбирлар мажмуини қамраб оладиган фан ва амалиётдир.

Профилактик тиббиётнинг ўзининг асосий қоидалари бор. Хусусан профилактик тиббиёт турли даражаларда фаолят юритади

Унинг фаолятини давлат органлари бошқаради, бу фаолямга кенг ижтимоий – иқтисодий муносабатларни тадбиқ этади кўплаб гигиеник ва соф тиббий омилларга таъсир ўтказиши.

Тиббий профилактика сифатида биз одатда соғлиқни сақлаш органлари томонидан ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган ҳаракатларни тушунамиз. Улар шу манодаги тиббий профлактик чоралар , қонунчиликдаги ўзгаришлар ва ташкилий чора-тадбирлардан иборат бўлиши мумкин .Шунингдек тиббий профилактика амалётида

экологик, архитектура режалаштирилиши, саннитартехник ва манавият масалалари буйича тадбирлар ҳам қулланилади [расм 1].

Расм 1.

Профилактик тиббиётнинг фаолияти даражалари

Профилактик тиббиёт турли даражаларда фаолият юритади



Профилактик тиббиётнинг асосий йўналишларидан бири, бу ижтимоий – профилактик йўналиш ҳисобланади, қайсики-давлат фаолияти асосларини ташкил қилади.

.....Ҳар қандай давлат фаолиятининг асосини фуқораларининг соғлиғи, узоқ ўмир кўриши ва уларнинг ҳаёт сифатини сақлашга қаратилган ижтимоий профилактик ишлар ташкил этади. Бу иш, юқорида айтиб ўтилгандек, факат тиббий чоралар билан чекланиб қолмайди, тақидлаш жойизки, аҳоли саломатлигини сақлашга ғамхўрлик қилиш бутун аҳолининг энг муҳим вазифасига айланиши керак. Ижтимоий-профилактик соғлиқни сақлаш доирасида давлат фаол бўлиши инсонлар онгига, уларнинг кундалик турмуш фаолиятига соғлом турмуш тарзи унсурларини киритишга таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Изоҳ: Том маънода профилактика тиббиёт ва соғлиқни сақлаш тизим доираларидан ҳам кенгроқ, у давлат фаолиятининг ижтимоий-профилактик йўналишига айланган. Соғлиқни сақлаш тизимини куришнинг бош таъмоили-соғлиқ сақланиш таъминловчи ижтимоий-профилактик йўналишни амалга ошириш ҳисобланади. Соғлиқни сақлашнинг профилактик йўналиши алоҳида қўлланиладиган тиббий чоралар (масалан гигиеник чора тадбирлар, вакцинация, санитария қонунлиги) билан чеклаб кўйилиши мумкин эмас. Аҳолининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш-давлат ва жамиятнинг муҳим вазифасидир. Соғлиқни сақлашнинг ижтимоий-профилактик йўналиши-аҳолининг

соғлиғини сақлаш ва мустахкамлашга каратилган ижтимоий-иқтисодий ва тиббий чора-тадбирлар мажмули. Давлат томонидан профилактик йўналишининг турли жihatларини тадбиқ этилиши аҳолининг онгига, уларнинг турмуш фаолиятига соғлом турмуш тарзи элементларини сингдиришга таъсир этувчи асосий омиллардан биридир.

.....Ортга-профилактик тиббиёт тарихига, унинг кандай бўлганлигига карасак у хар доим давр талаби бўлганлигига амин бўлинади. Қадимги давр ва Ўрта аср бошида инсонлар ўлимнинг асосий сабаби жароҳатлар ва юкумли “ўлат” касалликлардан иборат бўлган ва уларнинг профилактикаси ҳам шунга яраша эди, яъни жангда ўзини ҳимоя этиш учун воситалар яратилган, турли эпидемиялар пайдо бўлган даврларда касалланганларни изоляция қилиш бўйича илқ амалиётлар пайдо бўлган. Ўша даврларнинг энг илғор асарларидан бири Авиценна (Ибн Сино)нинг шахсий, жамоавий ва ижтимоий гигиена ҳақидаги рисоалари эди. Унинг рисоалари хозирги кунимиздаги кўплаб замонавий ғояларнинг асосини ташкил этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўрта асрларнинг охирида ва ундан кейинги даврларда, яъни инсонлар касалланиши ва уларнинг ўлимини асосий сабаблари юкумли касалликлар бўлган даврларда профилактик тиббиёт амаллари ўзгарди. Юкумли касалликларнинг табиатини тушуниб етиш натижасида ижтимоий-профилактика жамоатчилик гигиенаси, изоляциялаш чоралари ривожлана бошлади, эмлаш пайдо бўлди ва такомиллашиб борди [расм 2].

Расм 2.

Профилактик чора-тадбирлар хар доим давр талабларини акс эттиради

Қадимий даврлар ва илқ ўрта асрлар .

Ўлимларнинг асосий сабаблари – шикастланишлар, жароҳатлар, юкумли касалликлар



Ўрта асрлар охири - XIX асргача

Ўлимларнинг асосий сабаблари – юкумли касалликлар



Бу даврда профилактика ташкилотларинг фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишда давлатнинг роли муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги замонавий профилактик тиббиёт ўзига хосликда, XXI аср талаблари асосида шакилланмоқда. Биринчи навбатда, бу энг “ҳалокатли” сурункали соматик касалликлар: юрак-қон томир (ЮКК) ва онкологик касалликларга қарши профилактика чоралари шакиллаштирилишидир. Бу аҳоли саломатлигини юқори даражада таъминлашда давлат иштироки мажбурий эканлигини англатади.

Замонавий профилактик тиббиёт, албатта, шаҳар ва қишлоқ жойларда одамлар ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилиши керак. Хар кандай профилактик чораларнинг асосини хар доим инсоннинг шахсий манфатлари ва эҳтиёжларига каратилиши лозим. Шу билан бирга, профилактик тиббиёт фуқоролар хам жамиятларининг соғлиқларини химоялаш бўйича давлат манфатларига қаттий риоя қилиши ва бу мақсадда давлат ва минтакавий қонунчилик даражасида бўлган рағбатлантириш ва таъқидлаш чора-тадбирларини қўллаш зарур.

.....Замонавий профилактик тиббиёт турли йўналишларда ривожланмоқда [3,-4- ва 5 расмларда келтирилган ва шарҳланган].

Расм 3.

Замонавий тиббий профилактиканинг асосий йўналишлари



Расм 4.

Замонавий тиббий профилактиканинг асосий йўналишлари



Расм 5.

Замонавий тиббий профилактиканинг асосий йўналишлари



Бирламчи профилактика касалликлар пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган. Бунга эмлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолини гигиена ва санитария асосларига ўргатиш, юкумли касалликларни турли профилактикаси қиради.

Иккиламчи профилактика касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг ривожланишини олдини олишга қаратилган. Мазкур профилактика мунтазам тиббий кўриклар ўтказиб бориш ва диспансеризация, турли скрининг дастурлари ва ҳавф омиллари назорати (маслан, холестерин, қон босим даражаси ва қонда шакар миқдорини аниқлаш)ни ҳам қамраб олиш зарур.

Учламчи профилактика олдиндан мавжуд бўлган касалликларнинг асоратлари ва қайталанишининг олдини олишга қаратилган: бунга операциядан кейинги реабилитация, сурункали касалликларга чалинган беморлар учун дастурлар ва беморларни ўз-ўзини назорат қилиш ва соғлиғини бошқаришга ўргатиш қаби қиради.

Изоҳ: Замонавий профилактик тиббиёт яна индивидуал йўналишга (маълум бир шахсга таъсир этади) ва оммавий йўналишга (бутун аҳолига таъсир этади) эга. Замонавий профилактик тиббиёт телетиббиёт, мобил иловалар ва симсиз қурилмалар, сунъий интелект ва маълумотлар базасини кенг қўллаган таҳлил қилиш қаби ривожланаётган технологияларсиз мавжуд бўла олмайди. Замонавий тиббиётнинг энг муҳим йўналиши юрак-қон томир касалликлари (ЮККТ), онкологик касалликлар, қандли диабет, нафас олиш тизимини сурункали касалликлар қаби соматик касалликларнинг олдини олишдир. Бу касалликлар тарқалиши ўлимга ва ноҳиронликка олиб келиши бўйича етакчи хисобланади. Шунингдек, замонавий профилактик тиббиётнинг психологик профилактика (стресс, депрессия, ҳавфли асаб бузилиш ва бошқа касалликларнинг олдини олиш), экологик профилактика (атроф муҳит зарарли омилларнинг инсон саломатлигига таъсирини пасайтириш, ҳаво, сув, тупроқнинг сифатини назорат қилиш ва шунингдек уларни ифлослантиришга қарши курашиш) қаби йўналишларни унутмаслик керак.

Замонавий профилактик тиббиёт – мураккаб механизм хисобланади ва у тўлиқ ишлаши учун пухта режалаштириш талаб этилади. Пухта режалаштириш махсус давлат ва жамоат дастурларини шакллантириш (масалан, чекишга қарши кураш дастурлари ёки муҳим ёки соғлом турмуш тарзини тартибга солиш дастури), шунингдек шахсий дастурларни шакллантириш (масалан, индивидуал генетик тесдан фойдаланиш) ва шу асосида маълум бир касалликларга қаратилган мақсадли профилактика чора-тадбирларни шакллантириш орқали амалга оширилади.

Профилактик тиббиёт-бу ҳар бир инсон бутун умри давомида иштирок этадиган доимий жараён. Инсон туғилишидан олдин ҳам профилактика чоралари ҳомиладорликни бошқаришни ташкил этишга, чақалоқлар ва оналар ўлимининг олдини олишга қаратилган. Ҳаётнинг биринчи ойларида бир қатор профилактик эмлашлар бошланади ва эмизишни сақлаб қолиш учун эҳтиёт бўлиш керак. Ҳаётнинг биринчи йилида профилактик тиббиёт ичак ва юкумли касалликлардан ҳимоя

қилишни таъминлайди, шахсий гигиена кўникмаларини ривожлантиради, касбий текширувлар ўтказида, болалар боғчалари ва мактабларнинг ишини хавфсиз қилади. Ўсмирлик даврида соғлом бўлиш мотивацияси, соғлом турмуш тарзига содиқлик ва ёмон одатлардан воз кечиш шаклланади. Катталар учун профилактика тиббиёт меҳнат фаолияти вақтини узайтиришга ёрдам беради, эрта ногиронликнинг олдини олади, сурункали соматик касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради, катта ёшдаги инсонлар ва қариялар учун эса муносиб қарилик учун ижтимоий таъминотни таъминлаш, тўлиқ тиббий ёрдамни ташкил этиш ва имтиёзли дори-дармонлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади (6-, 7- ва 8 расмлар).

Хозирги кунда ҳам касалликни даволашдан кўра уни олдини олиш осонроқ деган таниқли постулат долзарб бўлиб қолмоқда. Қолаверса, бу жиҳат арзонроқ бўлиши ҳам муҳимдир. Тўғри ташкил этилган профилактик тиббиёт, албатта, иқтисодий компонентни ҳисобга олиши керак. Юрак-қон томир касалликлари туфайли етказилган зарарни ҳисоблаш мисолидан фойдаланган ҳолда бевосита харажатларнинг (соғлиқни сақлаш харажатлари, ногиронлик тўловлари) кичик улушидан ташқари, давлат эрта ўлим, меҳнат унумдорлигининг пасайиши ва ҳисоблаш қийин бўлган бошқа харажатлардан катта зарар кўради. Аммо ҳисоб-китоблар ҳар қандай касалликда билвосита харажатлар ўн баравар юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Бу эса, ушбу касалликларнинг олдини олиш орқали биз катта фойда олишимиз мумкинлигини англатади.

Рационал профилактик тиббиёт тежамкор давлат учун муҳим воситадир. РФ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг профилактик тиббиёт илмий-тадқиқот институти мутахассислари томонидан ўтказилган таҳлилда сурункали соматик касалликларнинг хавф омиллари иштироки билан боғлиқ бўлган иқтисодий зиён миқдори тахмин қилинган. Муаллифлар артериал гипертония, чекиш, семириш, жисмоний фаоллик пасайиши, нотўғри овқатланиш (улар айнан касаллик бўлмасада) давлатга ЯИМ 3 % дан кўпроғига тўғри келувчи зиён келтиради. Давлат ушбу хавф омиллари билан муваффақиятли курашса инкор этиб бўлмайдиган даражадаги иқтисодий фойда олиши аниқ.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, замонавий профилактик тиббиёт касалланиш ва ўлимни камайтиришда, умр кўриш давомийлиги ва ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим рол ўйнайди ва XXI асрда янги технологиялар, илмий тадқиқотлар ва фанлараро ёндашувни жорий этиш туфайли фаол ривожланмоқда.

Замонавий профилактик тиббиётнинг муҳим жиҳати - аҳолини таълим ва мотивация орқали ўз соғлиғига ғамхўрлик қилишга жалб қилишдир.

Замонавий профилактик тиббиёт максимал даражада самарали бўлиши учун Қонунчилик даражасида зарур чора-тадбирлар қўлланилиши ва улар етарлича молиялаштирилиши керак.

Расм 6.

XXI аср профилактик тиббиёти– инсоннинг бутун ҳаётини қамраб олувчи узлуксиз жараён



Расм 7.

Самарали профилактик тиббиёт – тежамкор давлатнинг муҳим жиҳози


Сурункали соматик касалликлар хавфи омиллари билан алоқадорлиги умумлаштирилган ҳолатда иқтисодий зиён хажми (РФ ССВнинг Профилактик тиббиёт ИТИ ҳисоб-китоблари асосида)

Хавф омили	Зиён млрд. рубльда	Зиённинг ЯИМдаги улуши %
Артериал гипертония	870	1%
Семириш	606	0,7%
Чекиш	>421	0,5%
Паст даражадаги жисмоний фаоллик	273	0,3%
Сабзавот ва меваларни етарли истеъмол қилмаслик	145	≈0,2%
Тўзни ортиқча истеъмол қилиш	161	≈0,2%
“Қайта ишланган” қизил гўштни ортиқча истеъмол қилиш	83	0,1%

Натижа: сурункали соматик касалликлар хавф омиллари билан алоқадор бўлган ялли зиён ЯИМнинг тахминан 3,2% ни ташкил этди

Расм 8.

Замонавий профилактик тиббиёт иқтисодиёти (юрак-қон томирлари касалликлари мисолида)



ХУЛОСА

Замонавий профилактик тиббиёт касалланиш ва ўлим ҳолатларини пасайтириш, яшаш давомийлиги ва сифатини оширишда муҳим роль ўйнайди.

XXI асрда профилактик тиббиёт янги технологиялар, илмий тадқиқотлар тадбийқ этилаётганлиги ва фанлараро ёндошув қўлланилаётганлиги туфайли ривожланиб бормоқда.

Замонавий профилактик тиббиётнинг муҳим жиҳати таълим бериш ва мотивациялаш орқали аҳолини ўз саломатлиги учун қайғуришга жалб қилинаётганлигидир.

Максимал даражада самарали бўлиши учун замонавий профилактик тиббиётда қонунчилик даражасидаги чора-тадбирлар қўлланилиши ва етарлича молиялаштирилиши керак.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аганбегян А.Г. Как восстановить сохранность народа России. Народо́население. 2021;24(2):5-19.
2. Акимов А.М., Гакова Е.И., Каюмова М.М. и др. Табакокурение и его ассоциации с отношением к здоровью мужчин 25—54 лет, работающих экспедиционно-вахтовым методом в Арктическом регионе Западной Сибири. Профилактическая медицина. 2024;27(4):32-37.
3. Акимова Е.В., Кузнецов В.А., Гафаров В.В. Риск сердечно-сосудистой смерти в различных социальных группах открытой популяции

Тюмени. Профилактика заболеваний и укрепление здоровья. 2006;9(4):33-37.

4. Всемирная организация здравоохранения. Неинфекционные заболевания. Ссылка активна на 06.02.2025. Vsemirnaya organizaciya zdravooxraneniya. Neinfekcionny'e zabolovaniya. Accessed February 06, 2025. (In Russ.). <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/noncommunicable-diseases>

5. Всемирная организация здравоохранения. Программы скрининга: краткое руководство. Повышение эффективности, максимальное увеличение пользы и минимизация вреда. 2023.

6. Гафаров В.В., Акимов Е.В., Трубачева И.А. и др. Вклад психосоциальных факторов в выживаемость, риск развития сердечно-сосудистых заболеваний среди лиц 25—64 лет в Сибири (Новосибирск, Тюмень, Томск): результаты кросссекционных и когортных исследований 1981—2020 гг. Атеросклероз. 2024;20(4):397-412.

7. Евстифеева С.Е., Капустина А.В., Никонов Е.Л. и др. Возрастные и гендерные характеристики поведенческих факторов риска и приверженности здоровому образу жизни у москвичей. Кардиоваскулярная терапия и профилактика. 2020;19(5):2670.

8. Каюмова М.М., Акимов А.М., Бессонова М.И. и др. Ассоциации стресса в семье, параметров отношения к здоровью и его самооценка у работающих экспедиционно-вахтовым методом в Арктике. Профилактическая медицина. 2023;26(10):49-54.

9. Концевая А.В., Муканеева Д.К., Мырзаматова А.О. и др. Экономический ущерб факторов риска, обусловленный их вкладом в заболеваемость и смертность от основных ХНИЗ в Российской Федерации в 2016 году. Кардиоваскулярная терапия и профилактика. 2020;19(1): 2396.

10. Куликова М.С., Горный Б.Э., Концевая А.В. и др. Результативность дистанционных технологий при контроле и самоконтроле избыточной массы тела и ожирения у пациентов первичного звена здравоохранения. Профилактическая медицина. 2021;24(10):24-31.

11. Мабиала Ж., Суҳарева И.А., Линский Д.Б. и др. Социально-экономические последствия старения населения: аспекты современных вызовов Российской Федерации. МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2023;14(1):126-145.

12. Максимов С.А., Шальнова С.А., Куценко В.А. и др. Влияние региональных особенностей проживания на среднесрочные сердечно-сосудистые исходы: проспективный этап исследования ЭССЕ-РФ. Кардиоваскулярная терапия и профилактика. 2021;20(5):214-223.

13. СаЛ АГай О.О., Антонов Н.С., Сахарова Г.М. Анализ структуры и динамики потребления табака и никотиносодержащей продукции в Российской Федерации в 2019—2022 гг. Профилактическая медицина. 2022;25(9):15-22.

14. СаЛ АГай О.О., Антонов Н.С., Сахарова Г.М. и др. Влияние потребления табака на индивидуальный и популяционный риск развития

неинфекционных заболеваний в Российской Федерации. *Общественное здоровье*. 2024;2(4):19-30.

15. Шальнова С.А., Максимов С.А., Баланова Ю.А. и др. Приверженность к здоровому образу жизни в российской популяции в зависимости от социально-демографических характеристик населения. *Кардиоваскулярная терапия и профилактика*. 2020;19(2):2452.

16. Acquadro-Pacera G, Valente M, Facci G, et al. Exploring differences in the utilization of the emergency department between migrant and non-migrant populations: a systematic review. *BMC Public Health*. 2024;24(1):963.

17. Ahmed KY, Fadnes LT, Kumar B, et al. including highly educated migrants in academia to improve their health-protocol for a pilot intervention. *Frontiers in Public Health*. 2024; 12:1347992.

18. Bikbov B, Purcell CA, Levey AS. Global, regional, and national burden of chronic kidney disease, 1990—2017: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2017. *Lancet*. 2020;395(10225):709-733.

19. Campo L, Lumia S, Fustinoni S. Assessing Smoking Habits, Attitudes, Knowledge, and Needs among University Students at the University of Milan, Italy. *International Journal of Environmental Research and Public Health*. 2022;19(19):12527. <https://doi.org/10.3390/ijerph191912527>.

20. Dwyer L, Barber C, Dowding D, et al. Barriers and facilitators to self-management of chronic conditions reported by women: a systematic review of qualitative studies. *BMJ Open*. 2024;14(11):e088568.

21. Guidelines for the management of physical health conditions in adults with severe mental disorders. Geneva: World Health Organization; 2018. Accessed December 19, 2024. <https://iris.who.int/bitstream/handle/10665/275718/9789241550383-eng.pdf?sequence=1>.

22. Harvey-Sullivan A, Ali S, Dhesi P, et al. Comparing cancer stage at diagnosis between migrants and non-migrants: a meta-analysis. *British Journal of Cancer*. 2025;132(2):158-167.

23. Hultin L, Pöder U, Hedström M, et al. Healthcare and Pharmacy Staffs' Experiences on Medication Management for Migrants-A Qualitative Exploratory Case Study in Primary Health Care. *Journal of Advanced Nursing*. 2024; 2024:10.1111/jan.16624.

24. Kang SJ, Oh HK, Han HR. Developing and Validating the Health Literacy Scale for Migrant Workers: Instrument Development and Validation Study. *JMIR Public Health and Surveillance*. 2024; 10: e59293.

25. Malik VS, Hu FB. The Role of Sugar-Sweetened Beverages in the Global Epidemics of Obesity and Chronic Diseases. *Nature Reviews Endocrinology*. 2022;18(4):205-218.

26. McEvoy JW, McCarthy CP, Bruno RM, et al. 2024 ESC Guidelines for the management of elevated blood pressure and hypertension. *European Heart Journal*. Published online August 30, 2024.

27. WHO Global Report on Trends in Prevalence of Tobacco Use 2000—2030. Geneva: World Health Organization; 2024. Accessed December 19, 2024.

<https://iris.who.int/bitstream/handle/10665/375711/9789240088283-eng.pdf?sequence=1>.

28. Zhang L, Ghisi GLM, Shi W, et al. Patient education in ethnic minority and migrant patients with heart disease: A scoping review. *Patient Education and Counseling*. 2024; 130:108480.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада тақомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларини мақсадли тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 19 июлдаги 606-сон қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги 2024 йил 13-майдаги 156-сон буйруғи.